



21.01.2022 даги

"KUCHLIK NEFT VAZA" МСНЖ ва Бекобод шаҳар Ободонлаштириш бўлими ўртасида 26210722,98сўм  
умумий суммага тузилган 4/2-А - сонли шартномага

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

Боб 110  
Шахсий ғазна ҳисобварақ 100022860274137011503110001

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4252500			
Январь	26 210 722,98			26 210 722,98
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>26 210 722,98</b>			<b>26 210 722,98</b>

Жами 26210722,98 сўм

Йигирма олти миллион икки юз ун минг етти юз йигирма икки  
сўм 98 тийин  
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 26210722,98 сўм ёки 100% \*\*\* шартноманинг умумий суммасидан  
100% \*\*\*2022 январь ойда тўланиши лозим.

(\*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига    % жорий ойнинг     санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



М.Ў.

Буюртмачи бош бухгалтери

(имзо)

С.Хужамов  
Ф.И.Ш.

(имзо)

Куйдимуратова С. Г.  
Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг  
ходими қабул қилди

Буюртмачи ходими  
қабул қилди

(имзо)

(имзо)

«   » 20 й.

«   » 20 й.

**ЮРИДИК АХДМИЯТГА ЭГА ХУЖЖАТЛАРНИНГ КОНУН  
ХУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТУГРИСИДА ХУКУКИЙ  
ХУЛОСА**


1. Лойих, анинг тури: Шартнома

2. Лойих, анинг номи:

“Кучлик нефт базаси” МЧЖ (етказиб берувчи) раҳбари И.Г.Пардаев ва Бекобод шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи (истеъмомчи) С.А.Хожамовлар томонидан Нефть маҳсулотларини узаро келишилган нархларда етказиб бериш бўйича 2022 йил 21-январь куни № 4/2а-сонли шартнома тузилгани тугрисида

3. Лойихд ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот. Лойихд Бекобод шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси томонидан 2022-йил 21-январь куни ишлаб чиқилган ва дастурга киритилган. Лойихд амалдаги конун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва уни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Марказ бошлиғи в/б



Н.У.Турсунов

2022 йил “21” январь



# Нефть маҳсулотларини етказиб бериш ҳақида

## ШАРТНОМА № 4/2 А

2022 йил « 21 » январ

Бекобод шаҳар

**«Кучлик нефт базаси»** масъулияти чекланган жамияти Бекобод филиали (кейинги ўринларда «**Етказиб берувчи**» деб юритилади) «Низом» асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари **И.Г.Пардаев** бир тарафдан ва Бекобод шаҳар Ободонлаштириш бошкармаси (кейинги ўринларда «**Истеъмолчи**» деб аталади) номидан «Низом» асосида фаолият юритувчи раҳбари **Хужамов С.А** иккинчи тарафдан ушбу шартномани куйидагилар ҳақида тuzдилар;

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва миқдордаги нефт Маҳсулотлари ўзаро келишилган нархларда белгиланган тартибда етказиб бериш, «Истеъмолчи» эса етказиб берилган нефт маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва ҳақини олдиндан 100% тўлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда ўз зиммасига олади.

Нефть маҳсулотининг номи	Миқдори (тн)	(1 тн.учун) 08.01.2022 йилдан белгиланган нарх	Ҳақиқатда сотилган маҳсулот нархи (хисоб-фактурага асосан)	суммаси (сумма биржа уртача катировка нархларига асосан ўзгариши мумкин)
Дизел ёнилғи ЭКО	2,27	11 546 574,0		26 210 722,98
<b>ЖАМИ</b>				<b>26 210 722,98</b>

1.2. Шартноманинг умумий қиймати 26 210 722,98 сўми, Шужумладан ҚҚС 3418789 сумни ташкил қилади ва «Истеъмолчи» йил давомида оладиган нефть маҳсулотлари учун олдиндан 100% тўловни куйидаги ҳисоблардан амалга оширади:

Бюджетҳисобидан: 26 210 722,98 сўм.

Бюджетдан ташқари (махсус) ҳисобдан: \_\_\_\_\_ сўм.

1.3. Шартнома суммаси ёки нархлар ўзгарганда ўзгарганда шартноманинг умумий қиймати ўзгаради ва бу ҳақида шартномага ўзгариш киритиш учун қўшимча келишув битими тuzилади.

### 2. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА МУДДАТЛАРИ

2.1. «Нефть маҳсулотлари «Истеъмолчи»га нефть маҳсулотлари «Етказиб берувчи»нинг махсус автотранспортида ёки транзит тартибда етказиб берилади. «Истеъмолчи» маҳсулотни ўзининг автотранспортида олиб кетган тақдирда ҳақ талаб қилинмайди.

2.2. Нефть маҳсулотларини ортиш (олиб чиқиб кетиш) маҳсулот ҳақи тўлиқ тўлангандан сўнг «Истеъмолчи»нинг талаби асосида амалга оширилади. Нефть маҳсулотлари олиб чиқиб кетилишида автоцистерналар нефть база томонидан амалдаги меъёрий техник хужжатларга (1510-84 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади.

### 3. ҲИСОБ-КИТОБНИНГ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар «Истеъмолчи»нинг тўлов топшириқномалари асосида амалга оширилади. «Истеъмолчи» оладиган нефть маҳсулотлари учун олдиндан



100% маблағларни пул ўтказиш йўли билан белгиланган тартибда тўлаб бериш мажбуриятини олади.

3.2. Хисоб-китоб рақамига маблағлар келиб тушгач «Ўтказиб берувчи» «Ўстеъмолчи»га («Ўстеъмолчи»нинг махсус автотранспортда ёки ижарага олинган автотранспортда олиб кетилиши мумкин. Бунда автотранспортлар барча талабларга жавоб берган тақдирда рухсат этилади) маҳсулотларни махсус автотранспортларда ўтказиб беради.

#### 4. ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 4.1. Нефть маҳсулотларининг миқдори ва сифати бўйича қабул қилиб олиш қуйидагича амалга оширилади:
- «Ўтказиб берувчи» томонидан «Ўстеъмолчи» вакилининг нефт маҳсулотини олиб чиқишни қабул қилиш хужжатларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш орқали;
  - «Ўстеъмолчи» транзит орқали нефть маҳсулотларини қабул қилишда амалдаги миқдор ва сифат йўриқномаларига (П-6, П-7) асосан иш юритади.

#### 5. МАҲСУЛОТ СИФАТИ

- 5.1. «Ўстеъмолчи» нефть маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифат ва миқдорини текшириб олади.
- 5.2. Ўтказиб бериладиган маҳсулот сифати Давлат стандарти ва ТШ га мос бўлиши ҳамда бу жўнатилаётган нефть маҳсулоти учун берилаётган сифат гувоҳномасида акс эттирилиши лозим.
- 5.3. «Ўстеъмолчи» нефт маҳсулотларини қабул қилишда уларнинг сифатини, шунингдек, сифат гувоҳномаси (паспорти)ни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

#### 6. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1. «Ўтказиб берувчи» асоссиз равишда нефть маҳсулотларини ўтказиб бериш муддатларини кечиктирганлиги ва ўз муддатида ўтказиб бермаганлиги учун «Ўстеъмолчи»га мажбуриятларнинг бажарилмаган қисми учун 0,4 фоиз миқдорда пеня тўлайди, лекин тўланадиган пеня умумий миқдори ўтказиб берилмаган нефть маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўлаш, шартнома мажбуриятларини бузган томонни, нефть маҳсулотларини кечиктириб ёки ўтказиб берилмаган ва ҳақозо... оқибатидаги зарарни тўлашдан озод этмайди.
- 6.2. Амалдаги қонунчилик ёки хўжалик шартномаси, стандартлар, техник шароитлар, сифат талаби, турлари ва ассортиментлари бўйича талабга тўғри келмаган нефть маҳсулотлари ўтказиб берилганда «Ўстеъмолчи» нефть маҳсулотларини қабул қилишдан бош тортиши, «Ўтказиб берувчи»дан талаб даражасида бўлмаган нефть маҳсулотлари қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириши, агар маҳсулот қиймати тўланган бўлса, белгиланган тартибда тўланган маблағни қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Талаб даражасида бўлмаган нефть маҳсулотлари ўтказиб берилганлиги учун жарима «Ўтказиб берувчи» дан акцептсиз тартибда ундирилади.
- 6.3. Шартномада белгиланган муддатда олинмаган ва нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Ўстеъмолчи» «Ўтказиб берувчи» га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.
- 6.4. Ушбу шартномада бирон-бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси туғрисида»ги Қонунга биноан тартибга солинади.
- 6.5. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш туғрисидаги қонун ҳужжалари талабларига амал қилади.

#### 7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

- 7.1. Агар шартнома тузилгандан сўнг иккала томон ўз мажбуриятларини ғайритабиий ҳолатлар, сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаш ва бошқа табиий офатлар сабабли бажармаса, Ўзбекнефтегаз» АЖнинг ва НКҚИЗ ларнинг,



«Узбекистон темир йуллари» ДАТЙКнинг айби билан ёки махсулот етказиб бериш ҳажми ва муддати юқори ташкилотлар томонидан ўзгартирилиши муносабати билан бузилса, ҳеч қайси томон тўла ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайдилар.

## 8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

8.1. Махсулотлар мавжуд манбалар асосида етказиб берилади.

## 9. КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ВА ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Мазкур шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолангандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай келишмовчиликлар иккала томоннинг ўзаро музокараси йўли билан ҳал этилади. Иккала томон мустақил ҳал эта олмайдиган баъзи масалалар белгиланган тартибда иқтисодий судларда ҳал этилади.

9.3. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилади ва ҳар бир нусхаси тенг юридик кучга эга булади.

9.4. Шартнома тарафлар томонидан имзоланган ва ҳудудий ғазначилик бўлимидан тегишли тартибда рўйхатга олинган кундан қонуний кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача ҳақиқий ҳисобланади.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛЛАРИ

### «ТАЪМИНОТЧИ»

«O'ZBEKNEFTGAZ» АЖ

«KUCHLIK NEFT BAZASI» МЧЖ

БЕКОВОД ФИЛИАЛИ

11508, Toshkent viloyati Bekobod sh  
Рахтаобод ко'часи 5-уй  
Tel.: (91)135-02-72 Бух: (70)214-85-61  
Asosiy. Н/р: 2021 0000 6005 8704 6001  
Н/р: 2321 0000 6005 8704 6333 фермер хужалик у-н  
«ORIENT FINANS» ЧАКБМФО: 01115  
INN: 204 640 0100KED: 46710

«Кучлик нефт базаси» МЧЖ

Бекобод филиали

директори

Ички сотиш бўлими

Ҳисобчи

### «ИСТЕЪМОЛЧИ»

Тел.: \_\_\_\_\_

ИНН: \_\_\_\_\_

МФО \_\_\_\_\_

БАНК: \_\_\_\_\_

Х/Р: \_\_\_\_\_

Бекобод шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси  
Бекобод ш. Мемор кўчаси 254-уй  
шхр: 100021860224370450310001  
СТИР: 205 828 731 ОКОНХ: 90211  
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги  
Ғазначилиги ягона ғазна варағи  
Марказий банк Тошкент шаҳар  
Бош бошқармаси ХККМ  
Х/Р: 2340 2000 3001 0000 1010  
СТИР: 201 122 919 МФО: 00014



Рахбар

*С. Чумалов*





БЕКОБОД ШАҲАР ҲОКИМИ-  
ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ БОШЛИГИНИНГ  
БУЙРУҒИ

1 - сонли

«16» январь 2022 йил

Бекобод шаҳар


Бекобод шаҳари ҳудудида махсус-тактик ўқув машини  
ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида жорий йилнинг 15 январь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги “Обод қишлоқ” дастури тўғрисидаги ПФ-5386-сонли Фармони ва 2019 йил 20 декабрдаги “Обод қишлоқ” дастурини 2019 йилда амалга ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4201-сонли ҳамда 2007 йил 19 февралдаги “Тошқин, сел, қор кўчишлари ва кўчки ходисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-585-сонли қарорлари талабларини бажариш ҳамда

Бекобод шаҳаридаги маҳаллаларида истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш-тарзини яхшилаш, бунёдкорлик, ободонлаштириш, йўл инфратузилмаси ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқларини таъмирлаш ишларини амалга ошириш юзасидан алоҳида топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида,

**Б У Ю Р А М А Н:**

1. Жорий йилнинг 16 январь кунидан “Обод маҳалла” дастури доирасида Бекобод шаҳарида ички йўл инфра тузилмасини қум-шағал маҳсулоти билан таъмирлаш ишларини амалга ошириш ҳамда шаҳар ҳудудидан оқиб ўтувчи Сирдарёнинг ўзани тўлган қисмларини тозалаш ҳамда тозаланган қисмидан чиққан қум-шағал ва кичик саноат ҳудудида жойлашган SHENGLI STEEL МЧЖ ишлаб чиқарган маҳсулот қолдиқлари билан ички йўл инфратузилмасини таъмирлаш ишларини амалга ошириш мақсадида фавқулодда вазиятлар давлат тизими (ФВДкТ) куч ва воситаларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари мавзусида махсус-тактик ўқув машқи ўтказилсин.
2. Махсус-тактик ўқув машқи раҳбар этиб Шаҳар ҳокимининг ўринбосари О.Эргашев тайинлансин.
3. Шаҳар ҳокимининг ўринбосари ( О.Эргашев ):





ўқув машкига жалб этиладиган шахсий таркиб ва техникалар амал, тадбирларни бажариши учун зарурий шарт-шароитлар яратиш;

ўқув машки иштирокчилари учун иссиқ овқат билан таъминлаш;

ўқув машки штабини жиҳозлаш, малакали ходимлар, керакли асбоб-анжомлар ва электр хўжалиги воситалари ажратилишини таъминласин.

4. Шаҳар ички ишлар бўлими (М.Р.Соттиев):

махсус-тактик ўқув машкига жалб этиладиган куч ва воситаларнинг жамланиши, самарали ишлаши ва тартибли ҳаракатланиши таъминлаш;

ўқув машкига жалб этиладиган техникаларнинг ҳайдовчилари билан йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари бўйича йўриқнома ўтказиш;

ўқув машки давомида жойларда жамоат тартибини сақлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаш вазифалари юклатилсин.

Шаҳар ҳудудидаги “Бекободцемент” АЖ ҳамда корхона, ташкилот, идоралар хусусий тадбиркорлик субъектларида мавжуд барча оғир техникалар рўйхатини шакиллантириб, ҳокимият биносида ташкил қилинган ўқув машки **Штабига** тақдим этилсин.

Шаҳар ички ишлар бўлими ЙХХБ (Н.Султонов) махсус-тактик ўқув машки давомида етарли миқдорда юк ташувчи ва махсус техникалар жалб этилишини таъминлансин.

Ўқув машки давомида йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаш вазифалари юклатилсин.

6. Шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси (Р.Ахмедов)га ўқув машки давомида тиббий ёрдам пости, етарли дори-дармонлар захираси ҳамда малакали шифокорларнинг навбатчилигини ўқув машки штабида ташкил этиш ҳамда карантин қоидаларига амал қилинишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

7. Шаҳар Фавкулудда вазиятлар бўлими (Д.Қ.Бабаназаров):

ўқув машкига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тартиби бўйича амалий ёрдам кўрсатилишини таъминласин;

ҳокимият биносида ўқув машки штаб ташкил этилиб, ўқув машкига жалб этилган куч ва воситаларининг фаолияти мувофиқлаштирилсин.

8. Махсус-тактик ўқув машкига “Бекободцемент” АЖ, “Узметкомбинат” АЖ ҳамда шаҳарда фаолият олиб бораётган корхона ва ташкилотларидан автомобиль ва махсус муҳандислик техника воситалари жалб этилсин:

“Бекободцемент” АЖдан 2 та МАЗ юк ташувчи автотранспорт воситаси, 1 та йўл текислаш автотранспорт воситаси;

“Узметкомбинат” АЖдан 4 та МАН юк ташувчи автотранспорт воситаси;

Шаҳар Ободонлаштириш бўлиmidан 1 та Беларусь русумли юкловчи автотранспорт воситаси;

Тошкент сув таъминоти МЧЖ Бекобод шаҳар бўлиmidан 1 та сув ташиш учун мўлжалланган махсус техникаси.

корхона ва ташкилот раҳбарлари ажратилган техника воситаларини 2022 йилнинг 20 январ куни соат 8.00 га Бекобод шаҳар ҳокимлиги олдидаги майдонга етиб келиши учун шахсан масъул эканлиги белгилансин.



9. Шаҳар прокурори (Ж.Муратов), Фавқулодда вазиятлар бўлими (Д.Қ.Бабаназаров), экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўлими (М.Фозилов), шаҳарнинг масъул раҳбарлари билан биргаликда:

Бекобод шаҳарига яқин ҳудудидан оқиб ўтувчи Сирдарё дарёсининг ўзанидаги сув тошқини хавфи мавжуд ҳудудларда ўзан тозалаш ишлари амалга оширилсин;

ўзан тозалаш ишлари давомида қазиб олинган кум-шағал аралашмаси **истисно** тариқисида шаҳардаги ички кўчаларларни таъмирлаш ишларида мақсадли фойдаланилсин;

ўқув машки давомида қазиб олинган кум-шағал аралашмасининг ҳисобини юритиш экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўлими томонидан амалга оширилсин.

10. Шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Б.Мирзақулов), шаҳар ҳокимининг ўринбосари (О.Эргашов), шаҳар молия бўлими (М.Турдиматова) ўқув машкига жалб этиладиган техникаларни узлуксиз равишда ёқилғи мойлаш махсулотлари билан таъминлаш мақсадида, шаҳар Ободонлаштириш бошқармасининг захира фондига 2,673 (икки минг олти юз етмиш уч) литр дизель ёқилғи мойлаш махсулоти ажратилиши учун пул маблағлари ўрнатилган тартибда олдидан ажратилсин;

ёқилғи-мойлаш махсулотларини мақсадли тарқатиш ҳамда ҳисобини юритиш шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари ҳамда Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи зиммасига юклатилсин.

11. Кучликнефтьбазаси филиали (И.Ф.Пардаев), ўқув машкига жалб этиладиган техникаларни белгиланган тартибда узлуксиз ёқилғи мойлаш махсулоти билан таъминлаш учун ҳар куни шаҳар ҳудудида кўчма ёқилғи қуйиш шахобчасини ташкиллаштириш ҳамда ёқилғи мойлаш махсулотларини шаҳардаги Ободонлаштириш бошқармаларига ажратилиши таъминлансин.

12. Ушбу буйруқ барча ижрочилар таркибига етказилиши таъминлансин.

13. Мазкур буйруқ ижроси назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Бекобод шаҳар ҳокими -  
Фуқаро муҳофазаси бошлиғи



З.Д.Файзуллаев